ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАРЛАРИ: ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

Г.А. АГЗАМОВА

Статья посвящена анализу структуры городов Кокандского ханства, которые воплощали в себе многовековые традиииии среднеазиатского градостроительства. На основе данных разнохарактерных источников предпринята попытка воссоздания исторического облика городов ханства в структурном плане.

The article dedicated to analyses of the structure of cities of the Kokand khanate, which reflect centuries-old traditions of Central Asia urban planning. On the basic of different sources tried to reconstruct the historical image structure of cities of the khanate.

XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда ҳудуди, ички тузилиши ва ташқи кўриниши билан бир қатор умумий ва айрим ўзига хос томонларга эга марказлар – шаҳарлар кўп эди. Уларнинг асосий қисми мудофаа деворлари билан ўралган эди.

Одатда, Ўрта Осиёда XVI–XIX асрнинг биринчи ярми мобайнида мавжуд бўлган, тараққиёт пиллапоялари ва инқирозли даврларни ўз бошидан кечирган ҳамда айнан мана шу даврда вужудга келган янги шаҳарлар ҳам деворлар билан ўраб олинган эди. Улар шаҳар аҳлини турли характердаги ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, қолаверса, ундаги тартиб, аҳолининг тинч ҳаёти ва соғлом турмуш тарзини бир маромда ушлаб туришда муҳим ўрин тутар эди. Бундан Қўқон хонлиги шаҳарлари ҳам мустасно эмас. Бу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, гарчанд хонлик XVIII асрнинг бошларида ташкил топган бўлса-да, бироқ даставвал унинг таркибига кирган ва сўнгра давлат ҳудудининг кенгайиши натижасида унга қўшиб олинган шаҳарлар тарихи қадимий бўлиб, улар Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданияти анъаналарини ўзида мужассам этган эди.

Қўқон хонлиги шаҳарлари деворлар билан ўралиши жиҳатидан Бухоро ва Хива хонликларидан фарқ қилар эди. XIX аср рус муаллифлари Қўқон шаҳарларининг деворлар билан ўралмаганлигини қайд этадилар. Хусусан, А. Кун «...Марғилондан бошлаб, биз девор билан ўралган шаҳарларни жуда кам учратамиз», - деб ёзади [1.417]. XIX аср муаллифларининг бу тарздаги фикрлари Қўқон хонлигининг асосан янги шаҳарларига тааллуқлидир. Чунки XVIII аср бошларидагина Бухоро хонлигидан ажралиб чиқиб ташкил топган Қўқон хонлигида Фарғона водийсининг қадим ва навқирон шаҳарлари жойлашган эди. Уларнинг кўплари деворлар билан ўралган эди. Шундай шаҳарлардан бири Андижон бўлиб, унинг девор билан ўралганлиги ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам гувоҳлик беради. «Шаҳарда учта дарвоза бор»,- деб ёзади у [2.29]. XVII аср муаллифи Шоҳ Маҳмуд ибн Мирза Фозил Чурас ҳам 1660 йилда Андижоннинг мўғул хони Абдуллахон томонидан қамал қилиниши воқеалари баёнида шаҳар деворларига ўрнатилган Қўқон ва Мирза дарвозаларини эслатиб ўтади. Хусусан, бу муаллиф «хон ўз қўшинлари билан Қўқон дарвозаси қаршисида, Йўлбарсхон ва Шоҳбозбек эса Мирза дарвозаси қаршисида турди», - деб қайд этади [3.219].

Андижон каби Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ҳам девор билан ўралган эди. XIX аср бошларида бу шаҳар ҳақида Мир Иззатулла: «Шаҳар лой девор билан ўралган бўлиб, у ҳозирда бузилиб кетган» - деб қайд этган эди [4.48]. Бу маълумотни кейинги давр тадқиқотчиси ҳам тасдиқлаб, «шаҳар девор билан ўралган», - деб ёзади [1.425].

Қўқон хонлиги тасарруфига XIX аср бошларида киритилган шаҳарлардан бири Тошкент бўлиб, у ҳам девор билан ўраб олинган эди. Шаҳар деворига оид анча аниқ маълумотлар Нур Муҳаммад Алимовга тегишлидир. 1735 йилда ёзиб олинган бу маълумотларга кўра, «шаҳар тўртбурчак ғиштин девор билан ўралган» бўлиб, «шаҳар девори шундай кенгдирки, унда икки отлиқ киши бемалол юра олади; қоровуллар ҳужум қилиб келаётган душманни кўришлари билан отда чопиб ҳимояга тайёргарликка чақирадилар», - деб қайд этади [5.57]. Шаҳарда бўлган М.Поспелов ва Т.Бурнашевлар (1800) «баландлиги 26 фут, қалинлиги тепасида 3 фут, пастда эса 6 футга етувчи девор билан ўралган; унинг айланаси 18 чақиримга тенг», - деб кўрсатадилар [6.27]. Тошкент деворлари ҳақида ёзган хорунжий Потанин унинг узунлиги «20 чақирим атрофида»лигини кўрсатади [7.285].

Хонликда деворлар билан ўралган шаҳарлар билан бирга бундай ҳимоя воситалари бўлмаган савдо-иқтисодиёт марказлари ҳам мавжуд эди. Буни янги шаклланган шаҳарлар мисолида кўпроқ кузатиш мумкин. Улардан бири Наманган эди. XIX аср бошларида Ф.Назаров «Наманган ҳам ҳар қандай истеҳкомга эга эмас», - деб ёзган эди [8.50]. Бу маълумотни шу асрнинг 60-йиллари муаллифи ҳам тас-

диқлаб, «шуниси қизиқарлики, у ҳамма Қўқон шаҳарлари каби ҳеч қандай истеҳкомларга эга эмас» - деб кўрсатади [9.204].

Хонликнинг пойтахти Қўқон ҳам девор билан ўралмаган эди. 1812 йил шаҳарда бўлган Мир Иззатулла уни «Деворлар билан ўралмаган катта шаҳар», - деб таърифлайди [4.48]. Шу асрнинг йигирманчи йилларига оид маълумотларга кўра, «Қўқон Сирдарё яқинидаги кенг паст текисликда жойлашган. Унинг атрофида ҳеч қандай истеҳком йўқ» эди [10.229]. Бу маълумотларни Е.К.Мейендорфнинг XIX аср йигирманчи йилларида ёзилган қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: «Шаҳар атрофида, саройни ўраган лой девордан бошқа девор кўринмайди» [11.71].

Пойтахт шаҳар фақат 1842 йилдагина девор билан ўраб олинди. Бу ўринда Бухородан асрликдан қайтган Иван Марченковнинг Қўқон деворларини кўришга Бухоро амири асос солганлиги ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир. Унинг гувоҳлик беришича, шаҳарни забт этган «амир Қўқонга шаҳар деворларини кўриш учун ўз усталарини юборди, лекин исён кўтарган қўқонликлар ҳамма усталарни қурилаётган деворга ётқиздилар ва девор қурилишини ўзлари тугалладилар» [12.51] Бу деворнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ҳолати ҳақида «Шаҳар истеҳкоми ҳамма Ўрта Осиё шаҳарларига хос лой девордан иборат бўлиб, айрим жойларда, айниқса, шаҳарнинг жанубида жойлашган Каттакон шаршараси ва шимолдаги Сармозор дарвозаси олдида анча ёмондир. Бир сўз билан айтганда, девор тагидан Катта шаҳар ва Каттакон сойлар шаҳарга кирган ва ундан чиққан ерларда» ёмон эди, - деб қайд этилган эди [13.40].

Хонликда Ўрта Осиёнинг бошқа марказларидаги каби шаҳар деворлари доимо таъмирланиб турилган. Бу ишга аҳолининг барча қатламлари жалб этилиб, улар орасида деворларни тузатишда иштирок этишни ҳам назарда тутган «шаҳар мажбурияти» бор эди [14.77]. Хусусан, Тошкент девори шаҳарнинг турли қисмлари аҳолисига тақсимлаб берилган бўлиб, улар уни доимо таъмирлаб турганлар [15.459]. Шаҳар деворларини, айниқса, марказий ҳокимият кучли бўлган йилларда таъмирлаш ишлари фаол олиб борилган.

Айрим шаҳарларнинг янги деворлар билан ўраб олинишига қарамай, XVIII–XIX асрнинг биринчи ярмида баъзи Ўрта Осиё шаҳарлари деворлари путурдан кетиб борар эди. Хусусан, XVIII асрнинг 20-йилларидаёқ Флорио Беневени «лойдан қурилган» Бухоронинг шаҳар деворлари «тез-тез тушиб туриши»ни қайд этган бўлса [16.124], XIX асрнинг 40-йилларида «Шаҳар девори бутун узунлиги давомида ташқи томондан анча яхши ҳолатда, ички томондан эса у нураб бормоқда», - деб кўрсатилган эди [17.79–80]. Бундай ҳолатни бошқа шаҳарлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шаҳар деворларининг XIX аср ўрталарига келиб нураб борганлигини Қўқон хонлигида 1849–1852 йиллари мобайнида асирликда бўлган сибирлик казаклар Милюшин ва Батарышкинлар ҳам тасдиқлаб, Туркистон шаҳри «кўп ерлари нураб кетган девор билан ўралганини» қайд этганлар [18.26]. XIX асрнинг 20-йилларига оид маълумотлардан аён бўладики, Тошкент деворининг айрим қисмлари ҳам бу даврга келиб «нураб бораётган» эди [11.70].

Қўқон хонлиги шаҳарлари деворлари баланд ва бақувват қилиб бунёд этилган. Буни қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. XIX асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиёда бўлган И.В.Виткевич «Хива шаҳарларининг деворлари жуда ёмон», - деб кўрсатган бўлса [19.92], Хива шаҳарлари ҳақида шу асрда ёзган россиялик муаллифларидан бири уларнинг лой деворлар ва улар атрофидаги сув тўлдирилган ҳандақларга эгалиги, лекин бу деворларнинг Бухоро ва Қўқон хонлиги шаҳарлари деворларидан паст ва юпқароқ эканлигини қайд этган эди [20.161].

Деворларга дарвозалар ўрнатилган бўлиб, улардан бошланган йўллар шаҳарларни яқин қишлоқлар, қўшни шаҳарлар, узоқ ва яқин мамлакатлар билан боғлар эди. Дарвозалар сони кўп ҳолларда шаҳарларнинг катта-кичиклиги, уларнинг савдо-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин эди.

Қўқон хонлигининг йирик савдо-иқтисодий марказларидан бўлган Тошкент ҳам бир қанча дарвозаларга эга эди. XIX аср бошларида Лашкар бекларбеги томонидан шаҳар девори бўйлаб 12 та дарвоза қурилган эди. Буни 1813–1814 йилларда Тошкентда бўлган Ф.Назаров ҳам тасдиқлаб, «шаҳар деворида 12 та дарвоза борлиги ҳақида хабар беради [8.59]. XIX аср охирида, тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг кўрсатишича, шаҳарда 12 та дарвоза бўлиб, улар маълум уруғларга топширилганлиги учун ўша уруғлар номи билан аталишини қайд қилар экан, дарвозаларнинг қуйидаги номларини келтиради: Қиёт, Турклар, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён, Кўкча, Камондарон, Қанғли, Бешёғоч, Қатағон [21.57].

Тошкент дарвозалари ҳақида келтирилган бу турли маълумотлар шаҳарнинг XVIII аср охири – XIX аср бошларида кенгайиб борганлиги ва унинг савдо-иқтисодий алоқалари доираси ўсиб борганлигидан далолат беради.

1842 йилда кўрилган Қўқон шаҳри деворининг ҳам 12 та дарвозаси бўлиб, улардан бири Разавлик, яна бири эса Марғилон дарвозаси [13.40], бошқа бири Дарвозаи Тоғлик деб аталар эди [22.101]. Дарвозалар шаҳар ҳимоясида муҳим ўрин тутган. Шаҳарга душман яқинлашганида унинг дарвозалари кўп ҳолларда тупроқ билан тўлдирилиб, беркитиб қўйилар эди.

Шаҳарларнинг структурасида кўчалар муҳим

ўрин эгаллаган. Уларда кўпдан-кўп узун ва калта, кенг ва тор кўчалар мавжуд эди. Кўчалар одатда шаҳар бозорларида кесишар эди. Бозорда туташган шаҳар кўчалари, «у ёки бу даражада кенг йўлларни» эслатиб, шаҳар атрофидан ўтиб қўшни қишлоқлар, бошқа шаҳарлар, узоқ-яқин мамлакатларга олиб борувчи йўлларга қўшилиб кетар эди. Тошкентни тадқиқ этган Н.Г.Маллицкий шаҳар кўчаларининг бу ҳолати Москвани эслатишини ва «шаҳар кимдир томонидан чизилган аниқ бир план асосида қурилмагани, балки табиий йўл билан бунёдга келганини» қайд этади [23.108].

Кўчалар, одатда, шаҳар дарвозаларидан бошланар эди. Улар кенг бўлиб, йўлнинг давомида кичикроқ кўчаларга бўлиниб кетар эди.

Шаҳарлар марказида туташган асосий кенг кўчалардан ташқари уларда кўпдан-кўп бошқа кўчалар ҳам бўлиб, одатда улар анча торроқ бўлар эди. Умуман, Ўрта Осиё шаҳарлари кўчалари XIX аср рус муаллифлари томонидан «узун, тор, қийшиқ» деб таърифланган [24.85]. Хусусан, Ф.Назаров Марғилоннинг «кўчалари тор» деб таърифлайди [8.48]. Тошкент кўчалари ҳам асосан «тор ва қийшиқ» деб таърифланган эди [25.91]. Рус олимларининг Ўрта Осиё шаҳарлари кўчаларига оид бу фикрлари бир ёқламадир. Бу муаллифлар масалага европалик нуқтаи назаридан қараганлар ва Осиёга хос кўчаларга баҳо беришда, юқорида келтирилганидек, «тор, қийшиқ ва чанг» каби иборалларни ишлатганлар. Шу билан бирга, улар айрим шаҳарларга хос кўчалар ҳақида холис фикр билдиришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, XIX аср муаллифи «кўчаларининг тўғрилиги ва озодалиги ... билан Қўқонни Тошкентга тенглаштириб бўлмайди», - деб қайд этади [15.41].

Шаҳар дарвозаларидан бошланиб, унинг марказига йўналган кўчаларнинг икки атрофида кўп ҳолларда савдо расталари ҳам жойлашиши мумкин эди. Буни Қўқон хонлиги шаҳарларига оид маълумотлар асосида яққол кузатиш мумкин. Жумладан, хонлик пойтахтининг «Базавлик» номли «ғиштин дарвоза»сидан шаҳарнинг шимоли-ғарбий чегарасидан бошланган кўча қабристондан ўтган бўлиб, унинг давомида уйлар ва дўконлар жойлашган эди [15.42].

Айрим кўчалар, хусусан, бозорлардаги кўчалардан баъзиларининг усти ёпиқ бўлган. Кўчаларнинг устини турли усулларда ёпиш ва улардан савдо расталари сифатида фойдаланиш анъанавий характерга эга эди. Кўчаларининг усти ёпилганлигини Тошкент бозорларидаги кўчалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. XIX аср муаллифларидан бирининг кўрсатишича, шаҳардаги «бозорда кўчалар ва дўконлар олдидаги ўтиш жойларининг усти қамиш ва бўйра билан ёпилар эди» [25.91].

Шаҳарлар ҳудуди турли қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони айрим муаллифларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёнинг турли марказларида ҳар хил бўлиши мумкин эди. Масалан, Самарқанд, Марғилон каби марказлар тўрт қисмга [26.92], Шаҳрисабз эса икки қисмга бўлинган [27.130] эди. Қўқон шаҳри эса шаҳарнинг 12 дарвозасига мувофиқ равишда 12 қисмга бўлинган эди [15.40]. Тошкент эса тўрт қисм - даҳага бўлинган бўлиб, улар - Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур, Бешёғочлардан иборат эди [23.109].

Ўрта Осиё шаҳарларининг турли қисмлари ўз навбатида анча кичикроқ ҳудудий-маъмурий бирликларга бўлинар эди. Шаҳар кварталларини – аҳоли яшайдиган қисмларини англатадиган бу бирликлар Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида ҳар хил аталган. Жумладан, Бухорода аҳоли яшайдиган қисмларни англатувчи турли атамалар – куй, маҳалла, гузар атамаларидан фойдаланганлар. Қўқон хонлигида, асосан, маҳалла атамаси урф бўлган.

Маҳаллалар қошида албатта масжид бўлар эди. Масжидлар, одатда, ёнида ҳовуз билан кўрилар эди. Квартал ичидаги кўчалар кесишган ерлар ва тор кўчалар чақар деб аталар эди. Баъзи тор кўчалар асосий кўчалардан кечаси дарвоза билан беркитиб қўйилар эди [26.96].

Одатда шаҳар маҳаллалари маълум бир ном билан аталиб, кўп ҳолларда у ушбу маҳалла жойлашган ернинг топографик ҳолати, унда жойлашган тарихий обидалар, аҳолининг машғулот турлари, айрим савдо-иқтисодий иншоотларга яқинлиги билан ҳам характерланган ва бу ҳолат маҳалла номида ўз аксини топган. Буни Тошкент мисолида яққол кузатиш мумкин. Шаҳарда кўпдан-кўп маҳаллалар бўлган бўлиб, XX аср бошларидаги бу маълумотларга биноан, шаҳарнинг Шайхонтоҳур даҳасида 75 та, Себзор даҳасида 80 та, Кўкча даҳасида 59 та, Бешёғоч даҳасида эса 75 та маҳалла бўлган [23.114–121]. Маҳаллалар номи кўп ҳолларда уларнинг табиий-топографик жойлашувини ўзида акс эттирган – Орқа кўча, Жар кўча, Қатор терак, Қишлоқ тепа, Қудуқ боши, Қора тут, Қумлоқ, Тик кўча, Оқ тепа, Қўш тут, Чуқур қишлоқ, Қоратош, Қувир ариқ каби номлар билан аталган. Айрим ҳолларда маҳаллалар улар жойлашган ерлардаги тарихий обидалар, масжидлар, кўприклар ва бошқаларни ўзида акс эттирган номлар билан ҳам аталган. Улар орасида – Оқ масжид, Олтинлик масжид, Баланд масжид, Ғишт масжид, Сирлик масжид, Сўгал масжид, Ёпуғлик мозор, Пушти ҳаммом, Сари хумдон, Хотин масжид, Кўк масжид ва бошқаларни учратиш мумкин. Тошкент маҳаллаларининг кўпларининг номлари уларда яшайдиган аҳолининг машғулотини ҳам ўзида акс эттирган. Хусусан, уларнинг орасида Дегрез, Эгарчи, Ўқчи, Парчабоф, Кўнчилик, Темирчилик ва бошқа маҳаллаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Маҳаллаларнинг кўпчилик қисми айрим ҳолларда улар яқинида жойлашган бозор номлари билан ҳам аталар эди. Улар жумласига – Баззозлик, Беда бозор, Булғор бозор, Эгар бозор, Ипак бозор, Эски бозор, Қассоб бозор, Кавшфурушлик,

Қулф бозор, Чопон бозор, Юган бозор, Чит бозор, Кетмон бозор, Намат бозор, Хода бозор, Рўза бозор, Этик бозор, Кепак бозор, Мош бозор, Новвой бозор, Пахта бозор номлари билан аталадиган маҳаллаларни киритиш мумкин [23.112–121].

Шаҳар кварталларининг Тошкент маҳаллаларидаги каби турли номлар билан аталишини хонликнинг бошқа марказлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги шаҳарлари структураси – деворлар билан ўраб олиниши, дарвозалар билан таъминланганлиги, шаҳарларнинг қисмлари, кўчалари ва уларнинг жойлашувига кўра ҳам Ўрта Осиё хонликлари шаҳарлари билан бир қатор умумий жиҳатларга эга эди. Шу билан бирга, хонлик шаҳарларида бу ҳолатлардан фарқ қиладиган айрим хусусиятлар ҳам шаклланган эди.

Адабиётлар:

1. Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. - Спб., 1876.
2. Захириддин Муҳаммад Бабур. Бабур-наме (Записки Бабура)/ Пер. М, Салье. - I. 1993.
3. Шах Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника. Критический текст перевод, комментарии, исследование и указатели. О.Ф. Акимушкина. - М., 1976.
4. Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году // Тр. САГУ. Нов. сер. Вып. LXXVIII. Ист. науки. Кн. 11. - Т., 1956.
5. Рассказ сарта Нур-Муҳамета, записанный в марте 1735 года в оренбургской экспедиции, о киргизских ханах, городах Ташкент, Туркестан и разных других предметах// Материалы по истории России,- Оренбург, 1900.
6. Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году // Туркестанский сборник. Т. 343.- Спб., 1883.
7. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830 года)// Военный журнал. - 1831. - № 4.
8. Михайлов М. Наманган (очерк) // Литературная библиотека. - 1867. - № 1-2.
9. О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии // Азиатский вестник - Спб. - 1826.
10. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.
11. Галкин М.Н. Показания русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858/59 гг.// Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю: Записки Императорского Русского Географического общества по отделу этнографии. - Т. 1. - Спб., 1861.
12. Хорошхин А.Б. Очерки Коканда // Сборник статей, касающихся Туркестанского края. - Спб. - 1876.
13. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. - Т., 1936.
14. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. - Спб., 1898.
15. Посланник Петра ! на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 -одах. - М.: Наука, 1986.
16. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. - Спб., 1843.
17. Показания сибирских казаков Милюшина и Батарышкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 -ода по 1852 год// Вестник ИРГО. Т. 17(11). - 1856.
18. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и В. Виткевича). - М.: Наука, 1983.
19. Соболев Л.Н. Обзор доступов к Хивинском ханству и краткие сведения о нем. Военно-статисти- -еский очерк//Военный сборник. - 1873. - Кн. 5-6.
20. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент. Тарихий ва археологик лавхалар. - Т.: Фан, 1988.
21. Мирзо Олим махдум хожи. Тарихи Туркистон. Т., Янги аср авлоди. 2007.
22. Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалла и маузе // В.В. Бартольду - туркестанские друзья, учени/. и почитатели. - Т., 1926.
23. Очерки внутренней торговли Киргизской степи // Туркестанский сборник. - Т. 5. - Спб. – 1869.
24. Корреспонденция из Ташкента // Туркестанский сборник. - Т. 7. - С. 91.
25. Турсунов Н.О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана в XVlll-начале X в. - Душанбе: Дониш, 1991.
26. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки) - Т' Зан, 1958

ЎзР ФА Тарих института
2011 йил 5 сентябрда қабул қилинган